

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА БУХОРО ВИЛОЯТ СУДИ
КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ 18-сонли
А Ж Р И М И**

2018 йил декабрь ойининг “15” куни, жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят суди кассаця инстанцияси судлов ҳайъати, Бухоро вилоят иқтисодий судининг биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи: Б,

Ҳайъат судьялари: Ш ва Адан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ининг котиблигида, тарафлардан Бухоро вилоят прокуратураси Жиноий суд ишларини юритишда прокурорч ваколатини таъминлаш бўлимининг прокурори О, судланган Анинг ҳимоячиси, Бухоро вилояти “М” адвокатлик бюросининг адвокати Хларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Бухоро туман судининг 2014 йил 03 декабрда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 171-моддаси 1-қисми ва 186-моддаси 1-қисми билан судланган:

А, 1968 йил 28 июнда Бухоро вилоятининг Бухоро туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, муқаддам: жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Бухоро туман судининг 2012 йил 09 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 186²-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, 2013 йил 20 ноябрь куни Жиноят кодексининг 73-моддасига асосан жазодан муддатидан илгари шартли озод қилинган, ишламайдиган, Бухоро вилояти, Бухоро тумани, “Бухоро” маҳалласи рақамсиз уйда яшаганга

нисбатан чиқарган ҳукмининг фуқаровий даъвога оид қисми устидан Бухоро вилоят прокурори томонидан билдирилган кассаця протестига асосан жиноят ишини кассаця тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Бухоро туман судининг 2014 йил 03 декабрдаги ҳукмига кўра, Ага Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 171-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 10 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 186-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг 10 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, Жиноят кодексининг 59-моддаси тартибида тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазоларини қисман кўшиш йўли билан иш ҳақининг 10 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 8 ой ахлоқ

тузатиш ишлари жазоси, Жиноят кодексининг 60-моддаси тартибида иш ҳақининг 10 (ўн) фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда **2 (икки)** йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Иш бўйича жиноят қуроли деб топилган 77 М 595 ҒА давлат рақамли “Зил” русумли автомашинани давлат эгалигига ўтказиш белгиланган.

Ҳукмнинг фуқаровий даъво, хусусан, 77 М 595 ҒА давлат рақамли “Зил” русумли автомашинага оид қисми апелляция ёки кассация тартибида кўрилмаган.

Суднинг ҳукмига кўра, А қуйидаги ҳолатда жиноят содир этганликда айбли деб топилган.

А истёмоғчиларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган товарларни келгусида ишлаб чиқариш ва ўтказиш мақсадида жиноят ишининг бир қисми амнистия актига асосан тугатилган шахс билан ўзаро жинойий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, 2014 йил 22 июнь куни мулкнинг жинойий йўл билан топилганини била туриб, тергов ва судда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган шахслардан 131 қоп 5.660 кг. чигит маҳсулотини “А” очиқ акциядорлик жамиятидан ўғирлик йўли билан яширин равишда олиб чиқилганини била туриб, жинойий шериги Н.нинг уйида ноқонуний равишда сақлаб келаётган чигит маҳсулотини ҳар бир килограммини 500 сўмдан сотишга келишиб, 2014 йил 25 июнь куни “Зил” русумли 77 М 595 ҒА давлат рақамли машинасига ортаётганларида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланиб, 131 қоп чигит маҳсулоти ашёвий далил тариқасида олинган.

Протестда, судланган А.нинг айблилик масаласи муҳокама қилинмаган ҳолда 77 М 595 ҒА давлат рақамли “Зил” русумли автомашина асосиз равишда жиноят қуроли сифатида эътироф этилганлиги ва давлат фойдасига мусодара қилинганлиги боис суд ҳукмининг жиноят қуролига тегишли қисмини бекор қилиб, қонунга мувофиқлаштириш масаласи қўйилган.

Кассация инстанцияси иш бўйича судья Анинг маърузасини, прокурор О, судланган Анинг ҳимоячиси, адвокат Хларнинг протестни қувватлаб, уни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, кассация протестида келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга атрофлича муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмининг фуқаровий даъвога оид қисмини ўзгартиришни, протестни эса қаноатлантиришни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 203¹-моддасида, ашёвий далил деб эътироф этилган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки содир этиш учун махсус мўлжалланган, тайёрланган ёки мослаштирилган нарсалар, шунингдек жинойий мақсадларга эришиш учун жиноят содир этиш жараёнида бевосита фойдаланилган мол-мулк жиноят қуроли эканлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2012 йил 13 декабрь кундаги “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 17-сонли Қарорининг 2-бандида, ашёвий далил сифатида, жумладан, жиноят қуроли - ашёвий далил деб эътироф этилган, жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этиш учун махсус

мўлжалланган, тайёрланган ёки мослаштирилган нарсалар (масалан, одам ўлдириш қуроллари, қимматликларни талон-торож қилиш ёки эгаллашда восита бўлган нарсалар, ўқотар қурол, браконьерлик қуроллари - қопқонлар, тўрлар, сохта ҳужжат ва ҳ.к.), шунингдек жиноий мақсадга эришиш учун жиноят содир этиш жараёнида бевосита фойдаланилган мол-мулк (масалан, транспорт воситалари) эътироф этилиши;

Қарорнинг 10-бандида, баъзи ҳолларда айрим қилмишлар, масалан, контрабанда, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ташиш, одам ўғирлаш ва ҳ.к. учун жиноий жавобгарликка тортилган шахслар жиноят содир этишда фойдаланган автомашиналар, мотоцикллар ва бошқа транспорт воситалари (контейнерлар) жиноят қуроли деб эътироф этилиши мумкинлиги, бунда шуни назарда тутиш лозимки, ушбу транспорт воситаларини жиноят қуроли деб эътироф этиш учун транспорт воситасидан, фақат улов сифатида эмас (масалан, айбдор томонидан қонунга хилоф равишда балиқчилик жинояти қармоқлар ва тўрлардан фойдаланилган ҳолда содир этилган бўлиб, автомобилдан фақат улов сифатида фойдаланилган бўлса), балки, қасддан жиноят содир этишда айнан қурол сифатида фойдаланилганлиги сўзсиз аниқланган бўлиши зарурлиги (масалан, талон-торож жиноятини содир этишда ўғирланган катта ҳажмдаги товарлар автомобилда олиб чиқиб кетилган, товар ёки бошқа қимматликлар божхона назоратини четлаб ўхид божхона назоратидан яшириб олиб ўтилган бўлса) ҳақида тушунтириш берилган.

Дастлабки тергов даврида ва судда, судланган А томонидан 77 М 595 ҒА давлат рақамли “Зил” русумли автомашинадан жиноят қуроли тариқасида фойдаланилганлигини, шу жумладан, жиноят содир этиш учун махсус мўлжаллангани, тайёрлангани ва мослаштирилгани, шунингдек жиноий мақсадларга эришиш учун жиноят содир этиш жараёнида бевосита фойдаланилганини кўрсатувчи объектив далиллар аниқланмаган.

Ишнинг бундай ҳолатида, 77 М 595 ҒА давлат рақамли “Зил” русумли автомашинани жиноят қуроли деб эътироф этиш ва шу асослар билан мусодара қилиш қонун талабларига зиддир.

Шундай бўлса-да, Миллий хавфсизлик хизмати Бухоро вилоят бошқармаси тергов бўлими бошлиғи Тнинг 2014 йил 11 июлдаги жиноят қуроли деб эътироф этиш тўғрисидаги қарорига асосан 77 М 595 ҒА давлат рақамли “Зил” русумли автомашина жиноий ҳаракатларни содир этишда фойдаланилганлиги важ қилинган ҳолда асоссиз равишда жиноят қуроли сифатида эътироф этилган.

Дастлабки тергов давомида фуқаро Х тушунтириш хати ва сўрок баённомасида келтирган кўрсатувида, 2014 йил 25 июнь куни олдиндан таниш бўлган қишлоқдоши А келиб, унга “А” очик акциядорлик жамияти олдида чиқарган юкни олиб келишни айтгани, унга чиқарган юки ноқонуний эмаслигини сўраганида, юкнинг ҳамма ҳужжатларини тайёрлаганини айтгани, юкни олиб келиш учун 50.000 сўмга келишгани, шу куни пахта заводи олдида жойлашган бир нотаниш шахсинг уйига боришгани, уй эгаси дарвозасини

очиб уларни кутиб тургани, у ерда чигит маҳсулоти сақланаётганини кўриб, улардан ҳужжатлари бўлмаса, автомашинасига ортмаслигини айтгани, уй эгаси юкларни ортиб бўлгунча ҳужжатларини ўзи қилиб беришини айтгани, кейин юкларни ортишга рухсат бергани, юкларни ярмини автомашинага ортган вақтида, ички ишлар бўлими ходимлари келишганини;

-айбланувчи А, Х билан юк олиб келишга келишгани, юкни олиб келиш учун борган вақтида, Х чигитни кўриб, юкни автомашинага ортмаслигини айтиб, чигитни ҳужжатлари борлигини сўрагани, унга юкларни ортиб бўлгунча Н ҳужжатларни қилиб беришини айтганини билдириб ўтганлар.

Дастлабки тергов органи органи томонидан фуқаро Хнинг мазкур жиноят ишига дахлдорлиги аниқланмаган, унинг жавобгарлиги масаласи кўриб чиқилмаган ва жиноятга алоқадорлиги тасдиқланмаган.

Биринчи босқич суди ишдаги бу хато ва камчиликларни бартараф этиш чорасини кўрмай, 77 М 595 ҒА давлат рақамли “Зил” русумли автомашинани жиноят қуроли тариқасида давлат фойдасига мусодара қилиб, хатога йўл қўйган.

Кассация инстанцияси судлов ҳайъати, юқоридагиларни инобатга олиб, суд ҳукмининг фуқаровий даъвога оид қисмини ўзгартириб, ҳукмнинг 77 М 595 ҒА давлат рақамли “Зил” русумли автомашинани жиноят қуроли тариқасида давлат фойдасига мусодара қилиш қисмини бекор қилишни ҳамда мазкур автомашинани белгиланган тартибда Ж.Хайдаровга қайтаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 480, 490, 496, 506, 506¹, 509-моддаларига риоя қилиб, кассация инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти Бухоро туман судининг 2014 йил 03 декабрда Ага нисбатан чиқарган ҳукмининг фуқаровий даъвога оид қисми ўзгартирилсин.

Тергов органининг 2014 йил 11 июлдаги 77 М 595 ҒА давлат рақамли “Зил” русумли автомашинани жиноят қуроли деб эътироф этиш тўғрисидаги қарори бекор қилинсин.

Ҳукмнинг иш бўйича жиноят қуроли деб топилган 77 М 595 ҒА давлат рақамли “Зил” русумли автомашинани давлат эгалигига ўтказиш қисми бекор қилинсин.

Давлат рақами 77 М 595 ҒА давлат рақамли “Зил” русумли автомашина белгиланган тартибда Хайдаров Жаҳонгир Акбаровичга қайтарилсин.

Кассация протести қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи: (имзо) **Б**

Ҳайъат судьялари: (имзо) **Ш**

(имзо) **А**

Ажрим нусхаси аслига тўғри.